

Хайдаров М.Т.,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ХАЙДАРОВ М.Т. БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада бюджет интизоми икки томонлама мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши сифатида талқин қилинган. Бунда давлат бюджети тушунчаси кенгроқ, молиявий мажбуриятлар мажмуаси нуқта назаридан талқин қилинган. Молиявий назорат органлари вазифалари, бюджет маблағларидан фойдаланувчилар мажбуриятларини қамраб олиш борасида фикр билдирилган.

Таянч иборалар: бюджет, молиявий мажбуриятлар, бюджет мажбуриятлари, молия органлари, бюджет тизими.

ХАЙДАРОВ М.Т. ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЮДЖЕТНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

В статье бюджетная дисциплина рассматривается как выполнение совокупности двусторонних обязательств. В этой связи категория государственного бюджета рассматривается не как фонд денежных средств, а совокупность финансовых обязательств. Предполагается необходимость расширения обязанностей органов финансового контроля по вопросам надзора над выполнением обязательств получателей бюджетных средств.

Ключевые слова: бюджет, финансовые обязательства, бюджетные обязательства, финансовые органы, бюджетная система.

KHAYDAROV M.T. THEORETICAL ISSUES OF PUBLIC BUDGET DISCIPLINE IMPLEMENTATION

The Public budget discipline in the article is considered as two side aggregate obligations' due implementation. The Public budget considered as aggregate of financial obligations. As well recommended widening of financial control bodies' duties, that has to cover budget obligations of budget funds receivers.

Keywords: the budget, financial obligations, budget obligations, financial bodies, the public budget system.

Интизом категорияси нимани билдиради? Бу иборани ҳар бир инсон турли ҳаётий вазиятларда кўп эшитади. Масалан, ҳарбий интизом, меҳнат интизому ёки таълим интизому. Лекин унинг мазмуни, моҳияти нимада? Давлат бюджетига қандай дахли бор?

Интизом тушунчаси қадимги Рум маданиятидан маълум бўлиб, дисциплина ибораси билан ифодаланган. Унда бу ибора ўзини тутиб олганлик, теран-жиддийликни англатган. Ҳозирда интизом мазмуни ўрнатилган маълум қоидалар ва тартибга бўйсунувни билдиради.

Интизомни сақлаб туриш учун турли жазо ва (ёки) рағбарлантириш чоралари қўлланилади. Агар шахс ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилса, у рағбарлантирилади. Аксинча, агар тартиб ва қоидаларга амал қилмаса, интизом бузувчига нисбатан жарима ва жазолар қўлланилади.

Интизомни нафақат жамоа ва ҳамжамият ўрнатади. Алоҳида шахслар ҳам ўзлари учун маълум тартиб-қоидаларни ўрнатадилар ва ушбу қоидаларга тўлиқ риоя қилиб юрадилар.

Интизомнинг моҳияти ҳамиша маълум мақсадларга эришиш ва бу билан боғлиқ масалаларни ечиш билан боғлиқдир. Интизомга риоя қилинмаганда масалалар ҳал бўлиши кетма-кетлиги бузилади, ишлар тартибсиз ва охир-оқибат натижага режалаштирилган даражада эришилмайди. Интизомга риоя қилинмаган ҳолда самарадорлик одатда паст бўлади.

Бюджет ишларининг бажарилиши интизому – Давлат бошқарув тизимининг муҳим омили, асосий инструментариёларидан бўлган давлат бюджетини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш, уни ижро этиш орқали ҳукуматнинг стратегик дастурларини амалга ошириш ва кундалик – сақлаш харажатларини узлуксиз таъминлашдир.

Давлат бюджетини интизому муҳокама қилинишидан олдин бюджет тушунчасига аниқлик киритиш лозим. Давлат бюджетини тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига аниқ тавсиф берилган: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини (Давлат бюджетини) — давлатнинг

давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси»¹. Агар бу тушунчани кенгроқ ёритадиган бўлсак, мазмунан давлат бюджетини – жамиятнинг жамланган молиявий маблағлари бўлиб, улар давлат ва маҳаллий бошқарув органларига юкланган вазифаларни молиялаштиришга мўлжалланган ва молиялаштирилган ишларнинг бажарилишини қамраб олиши лозим².

Лекин келтирилган тавсифлар мазкур тушунчани бир тарафлама ёритади. Кенгроқ ёндашиладиган бўлсак, давлат бюджетини бу мажбуриятлардир. Мажбуриятлар эса икки томонлама мажмуадан иборат.

Бунда, бир томондан, давлат ва маҳаллий бошқарув органларига юклатилган ишларни молиялаштириб бориш мажбуриятлари улар номидан Молия вазирлиги ва молия органларига юклатилади.

Иккинчи томондан, молиялаштириладиган ишларни бажариш мажбуриятлари бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларга юклатилади.

Мажбуриятларни қабул қилиш қонун чиқарувчи органлар ва маҳаллий Кенгашларга юклатилган. Бюджетлар – мажбуриятларни тасдиқлашда Давлат бюджетини Президент томонидан, маҳаллий бюджетлар ҳокимлар томонидан амалга оширилади.

Бюджет интизому эса ана шу икки томонлама мажбуриятларни қонунлар ва ўрнатилган тартиблар доирасида, ҳеч

¹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 3-модда. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-И-сон

² Ҳайдаров М.Т. Давлат молиясини бошқаришнинг долзарб масалалари. // «Иқтисод ва молия» журнали, 2016, 6-сон. -54-64-б.

1-жадвал. Таълим муассасаси иқтисодий тасниф гуруҳларига кўра молиялаштирилиши¹

№	Харажатлар турлари	Харажатлар миқдори ²
1.	I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар)	60 млн. сўм
2.	II. Иш ҳақиға қўшимчалар	15 млн. сўм
3.	III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларға мувофиқ)	10 млн. сўм
4.	IV. Бошқа харажатлар.	15 млн. сўм
	Жами харажатлар	100 млн. сўм

қандай чекинувларсиз, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назарда тутати.

Давлат бюджетининг ўз вақтида тузилиши ва қабул қилиниши, самарали ижро этилиши, ижросини мунтазам назорат қилиб бориш, ижроси бўйича ҳисоботларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бириктирилган ваколатларға мутаносиблигини таъминлаш бюджет интизоми қоидаларини ўрнатиш билан баробар деб баҳоланиши керак. Агар қайсидир даражадаги бюджетға юклатилган мажбуриятлар ушбу бюджет ваколатларидан ортиб кетса, интизомға риоя қилиш мураккаб кечади, унинг бузилиш ҳоллари кўп кузатилиши мумкин.

Бюджет интизоминини талаб қилишдан аввал бюджет мажбуриятлари ва ваколатлари орасидаги мувозанат таъминланмоғи лозим. Мазкур мувозанат эса қонун ва қонун ости ҳужжатларига кўра тартибға келтириладиган фаолиятдир. Ушбу фаолият Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетини муносабатларининг ажралмас қисмидир.

Молия органларининг мажбуриятлари бюджет харажатларини амалға оширишлари билан боғлиқ. Харажатлар тўртта

¹ Мисол тариқасида муаллиф тайёрлаган. Содда кўринишда бўлиши учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари қўшимча даромадлари истисно қилинган.

² Мисол тариқасида тахминан қўйилган.

гуруҳларға тақсимланиб, Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади³.

1-жадвалда шартли мисол тариқасида таълим муассасаси харажатлари келтирилган.

Демак, мазкур таълим муассасасини молиялаштирувчи молия органи, муассаса тасдиқлаган харажатлар сметасини рўйхатға олганида ўзининг 100 миллион сўмлик молиялаштириш мажбуриятларини тасдиқлаган.

Шу вақтнинг ўзида таълим муассасаси ҳам бюджет томонидан молиялаштирилиши доирасида бажарилиши лозим бўлган ишлар кесимида мажбуриятлар қабул қилиши лозим. Мазкур мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет сўрови юборадиган хатнинг 3-илова-сига кўра Харажатлар мажбуриятлари реестрига кўра қабул қилиниши лозим.

Демак, мазкур таълим муассасаси жорий йилдан аввалги йилда тақдим этган бюджет сўрови ва буюртмасига кўра, жорий йилда тасдиқлаган сметаси доирасида ўзининг 100 миллион сўмлик ишларни бажариш мажбуриятларини тасдиқлаган.

Келтирилган мажбуриятлар жадваллари икки хилда шаклланган:

– иқтисодий тасниф кесимида (ҳозирда жорий қилиниб бўлинган);

– функционал тасниф кесимида (жорий қилиниши таклиф қилинмоқда).

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сон қарорига илова. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда.

2-жадвал. Таълим муассасаси функционал тасниф гуруҳларига кўра бажариладиган ишлар таркиби¹

№	Харажат мажбуриятларининг номланиши. Бажариладиган ишлар кўринишида	Харажат мажбуриятлари реестрида ҳавола кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатдан, шартнома (келишув)дан кўчирма	Харажатлар миқдори ²
1.	Жорий таълим ишлари (Ҳар бир синф кесимида)	Таълим муассасаси низоми	70 млн. сўм
2.	Методик ишлар (Ҳар бир фан кесимида)	Таълим муассасаси низоми	15 млн. сўм
3.	Дастур доирасида амалга ошириладиган ишлар	Президент фармойиши, Вазирлар Маҳкамаси қарори, янги қонун ва ҳоказолар	10 млн. сўм
4.	Янги фанлар жорий қилиниши	Тегишли таълим вазирлиги йўриқномаси, вазир буйруғи ва ҳоказолар	5 млн. сўм
	Жами харажатлар		100 млн. сўм

Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар рўйхати ва уларни қопловчи харажатлар, жадвалларда келтирилгандек, жами миқдори бир хил бўлгани билан, уларни таққослаб ва солиштириб бўлмайди. Чунки биринчиси молия органлари мажбуриятларини, иккинчиси бюджет ташкилотининг (бюджетдан маблағ олувчининг) бюджет олдидаги мажбуриятларини акс эттиради.

Иккала томон қабул қилган мажбуриятларни молия йили давомида бажаришлари лозим.

Бюджет кодексининг **172-моддасида Давлат молиявий назорати принциплари қуйидагича ифодаланган:** «Давлат молиявий назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги, шунингдек давлат молиявий назорати натижаларининг ишончлилиги ва холислиги давлат молиявий назоратининг принципларидир». Бюджет кодексидан келтирилган принциплардан келиб чиқиб, Давлат бюджети бажарилишидаги томонлар мажбуриятларини бажаришларида **Бюджет интизомининг қуйидаги таъминлари**га риоя қилишлари мақсадга мувофиқ:

– қонун устуворлигининг таъминланиши;

¹ Мисол тариқасида муаллиф таклиф мақсадида тайёрлаган. Содда кўринишда бўлиши учун бюджет ташкилоти бажариши лозим бўлган ишлар гуруҳланган шаклда келтирилган.

² Харажатлар миқдори мисол тариқасида тахминан қуйилган.

– бюджет жараёни босқичларининг ўз вақтида бажарилиши;

– бюджет ваколатлари ва мажбуриятларининг мутаносиблиги;

– критерийлар аниқлиги (баҳоланувчанлиги).

Бюджет интизоми бажарилишида **молия органлари** томонидан қуйидаги ишлар таъминланиши лозим:

– Бюджет интизомининг даврий таъминланиши – касса узилишига йўл қўймаслик;

– Давлат бюджети даромад қисмининг тўлиқ ва ўз вақтида таъминланиши;

– Давлат бюджети харажат қисмининг тўлиқ бажарилиши, режалаштирилган ҳар бир бажарилган иш тўлиқ қоплаб берилиши.

Бюджет интизоми бажарилишида давлат ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилувчи **бюджет ташкилоти** (таълим муассасаси³) томонидан қуйидаги ишлар таъминланиши лозим:

– ҳар бир ўқувчига таълим бериб бориш ва давлат таълим стандартларидан паст бўлмаган даражада билим ва кўникмаларини таъминлаш;

– мунтазам методик ишларни бажариш, илғор таълим технологияларини жорий қилиш ва такомиллаштириб бориш;

³ Таълим муассасаси мисол тариқасида келтирилган. Бу соғлиқни сақлаш муассасаси (касалхона, ҚВП, поликлиника), маданият муассасаси ва бошқалар бўлиши ҳам мумкин.

– таълим вазирлиги ва вилоят таълим бошқармаси ривожлантириш дастурига кўра ишларни бажариш;

– мазкур бюджет ташкилотининг ўз тараққиёт дастурини жорий қилиб бориш.

Бюджет интизоми бажарилишида **Қонун чиқарувчи ва маҳаллий бошқарув (вакил) органлари** Давлат бюджети интизоми таъминланишининг таҳлили ва хулосалари асосида ваколатлар ва мажбуриятлар ўртасидаги уйғунликни такомиллаштириб боришлари лозим.

Бюджет интизомини даврий таъминлаш асослари:

Бюджет лойиҳасини ўз вақтида тайёрлаш ва қабул қилиш, ижро этиш ва ҳисоботини топшириш;

Давлат бюджети даромадларини белгиланган миқдорда келиб тушишини таъминлаш;

бюджет харажатларининг узлуксиз молиялаштириб борилиши;

Бюджет интизоми назоратини такомиллаштириб боришнинг асосий йўналишлари:

молиявий интизом:

ходимлар тараққиёти;

ахборотлар ишончлилиги;

бюджет ижросини таҳлил қилиш ва муаммоларни бартараф этиш чораларини амалга ошириш.

Молиявий интизом қуйидагилардан иборат:

1. Айланма касса маблағи меъёрини таъминлаш.

2. Бюджетнинг даромад сиёсатини таъминлаш.

3. Бюджет харажатлари узлуксизлигини таъминлаш.

4. Бюджет тақчиллиги белгиланган меъёрдан ошмаслиги ва тасдиқланган манбалардан қопланиши.

5. Режалаштирилган ҳамма харажатларни тўлалигича молиялаш.

Айланма касса маблағи меъёри борасидаги интизом молия йилида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул

маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдорини таъминлаб боришдан иборатдир.

Бюджетнинг даромад сиёсатини таъминлаш Давлат бюджети даромадлари, солиқ юкининг иқтисодиёт тараққиётига босими даражасини меъёрда сақлаб туриш ва шу билан бирга, тушаётган даромад миқдори давлатнинг стратегик тараққиётига етарлигини таъминлашга қаратилган.

Ходимларнинг ривожланиши давлатнинг ижтимоий сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, мазмунан жамият тараққиётини таъминлашга қаратилган. Ҳар бир молия органи ва бюджет ташкилоти ўзларининг сметалари доираларида ходимлар малакасини ва уларнинг касбий тараққиёти режаларини тузишлари ва амалга оширишлари бюджет интизомини таъминлашнинг ажралмас қисмидир. Бюджет интизомининг бу йўналишини амалга оширишда давлат бюджети қатнашувчиларининг малакалари етарлигининг баҳоланиши унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Агар ходимлар малакалари ўрнатилган меъёрлардан паст бўлса, бюджетдан маблағ олувчилар бажараётган ишлари сифат нуқтаи назардан уларнинг мажбуриятлари бажарилиши сустигидан далолат бўлиб хизмат қилади.

Ахборотлар ишончлилиги:

- Давлат бюджети тизимидаги айланаётган ахборотларнинг ишончлилигининг баҳоланиб борилиши;

- Давлат бюджети борасида қабул қилинган режаларнинг асосланганлиги аниқланиши;

- меъёрий-ҳуқуқий тизимдаги мавжуд бўлиши мумкин номутаносибликлар аниқланиши.

Аниқланган муаммоларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Маҳаллий бюджет бажарилишининг интизоми тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун аж-

ратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори узлуксиз таъминланиши назарда тутилади.

Бюджет интизомига даврий нуқтаи назардан риоя қилиниши давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва унинг ижросининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вақтида бажарилиши, ижроси ҳақидаги ҳисоботни белгиланган даврга қадар тайёрлаш ва тасдиқланишини назарда тутати.

Бюджет интизоми учун масъул органлар ва уларнинг ваколатлари

Бюджет кодексининг 171-моддасида Давлат молиявий назорат органлари келтирилган. Булар: Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет кодексининг 175-моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати келтирилган.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари ўз ваколатлари доирасида:

- қуйи турувчи молия органлари томонидан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиши устидан;

- ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан;

- бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан смета-

штат интизомига риоя этилишининг таъминланиши устидан;

- акциз солиғи тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши устидан;

- акциз тўланадиган айрим турдаги товарларнинг акциз маркалари билан тўлиқ тамғаланиши ва олинган акциз маркалари сонининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига мувофиқлиги устидан;

- бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг, шунингдек қуйи турувчи ҳудудий молия органлари томонидан бюджет ҳисоботини тузишнинг тўғрिलлиги устидан давлат молиявий назоратини амалга ошириши кўрсатилган.

Бюджет кодексининг 174-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати келтирилган. Улар қуйидагича:

- макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларини шакллантириш жараёнлари, уларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигига риоя этилишини тизимли ўрганиш;

- бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шакллантириш ва маблағлари сарфланишини умумий, моддалар бўйича, тармоқлар ҳамда ҳудудлар кесимида назорат қилиш ва текшириш;

- давлат мақсадли дастурлари амалга оширилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк ҳисобварақларидаги маблағларининг қонуний шакллантирилганлигини, мақсадли ҳамда самарали сарфланганлигини назорат қилиш ва текшириш;

- Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида мақбул нисбатга эришишга доир тақлифларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;

– давлат активлари шакллантирилиши-ни, улардан самарали ва мақсадли фойдаланилишини текшириш;

– даромад келтирувчи тармоқлар корхоналари фаолиятини бюджет тизими бюджетларига қўшимча тушумлар захираларини аниқлашга йўналтирилган тарзда таҳлил ва назорат қилиш.

Кўриб турганимиздек, Молия органлари ва молиявий назорат органларининг вазифалари тўлалигича молия органлари томонидан бюджет интизомига риоя қилинишига қаратилган. Бунда Бюджет кодексининг 7-моддасида келтирилган бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги тамойили таъминланиши, яъни бюджет ташкилотлари ва

бюджетдан маблағлар олувчилар мажбуриятлари бажарилиши борасида назоратни амалга ошириш масалалари келтирилмаган.

Шу нуқтаи назардан, Бюджет кодексининг такомиллаштирилиши ҳозирги босқичда бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар мажбуриятларини аниқлаштириш ва шу орқали натижадорлик тамойили бажарилишининг механизмини жорий қилишга асос яратишдан иборат. Шунингдек, молиявий назорат органлари вазифаларига бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет интизомига риоя қилишларини назорат қилиш масалалари ҳам киритилиши керак бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-И-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида»ги Низом.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сон қарорига илова. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда.
4. Хайдаров М.Т. Давлат молиясини бошқаришнинг долзарб масалалари. // «Иқтисод ва молия» журналы, 2016, 6-сон. -54-64-б.